

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

НУРСУЛТОН НАЗАРБОВЕВ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ҲУРМАТ БАЖО КЕЛТИРДИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов замонамизнинг улугъ сиёсатчиси, узокни кўра оладиган ва стратегик фикр юритадиган буюк шахс сифатида бутун дунёда юксак обрў-этибор қозонган эди. Хорижий мамлакатларнинг давлат ва сиёсат арбоблари, фуқаролари у кишининг вафотини чуқур қайгу билан қабул қилди, халқимизга ҳамдарад бўлди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида 12 сентябрь куни Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Ислон Каримов қабрини зиёрат қилди.

Нурсултон Назарбоев ва Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов қабрига гул қўйди ва унинг

хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар. Ислон Каримов руҳи покларига Қуръон тиловат қилинди.

Нурсултон Назарбоев Ислон Каримов қабридан дўсти бўлганини, бир-бирини ҳамиша яхши тушунгани ва қўллаб-қувватлаганини, биргаликда халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаганини, Президентимиз Ўзбекистонда тинчлик ва фаровонликни таъминлаганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонликларнинг барча авлодлари Ислон Каримовни ҳурмат билан ёдга олишига ишончим комил. Унинг улугъвор мероси, давлат раҳбари сифатидаги фаолияти ўзбек халқи, Ўзбекистон тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилди, асрлар давомида ўрганилади. Ўзбекистоннинг тикланиши ва ҳар томонлама ривожланиши, аҳоли фаровонлиги ошиши

унинг номи билан боғлиқ. Ислон Каримов ўзбек халқини, Ўзбекистонни замонавий дунёга танитди. Биз ана шундай буюк инсондан айрилдик, — деди Қозоғистон Президенти.

Олий мартабали меҳмон Самарқанд шаҳридаги Форумлар мажмуасига ташриф буюриб, Ислон Каримовнинг рафиқаси Татьяна Каримовага чуқур ҳамдарадлик изҳор этди.

Форумлар мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Аббасий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ва бошқа ҳужжатлар асосида тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислон ҳамкорлик

ташкilotи, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевга халқимизнинг буюк фарзанди, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига ҳурмат бажо келтириш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюргани учун миннатдорлик билдирди. Ушбу ташриф меҳр-оқибат ва аҳиллик айёми — Қурбон ҳайити кунларида амалга оширилгани Ислон Каримов билан Нурсултон Назарбоевнинг муносабатлари, дўстлиги юксак даражада бўлганини намойён этди. Бу дўстлик халқларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорликка асос бўлганини, бундай яқин муносабатлар бундан кейин ҳам изчил давом этишини алоҳида таъкидлади.

Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон Республика-

сининг Биринчи Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, унинг иқтисодиёти ва сиёсатини белгилаб берган улугъ давлат арбоби, ўзбек халқининг буюк фарзанди, дунё миқёсидаги лидер бўлганини алоҳида таъкидлади. Ислон Каримов халқаро анжуманларда ҳар доим ҳал қилувчи ўрин тутганини, энг мураккаб пайтларда ҳам тинчлик ва барқарорликни таъминлаганини, Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳамкорлиги ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этди. Мамлакатларимиз ўртасидаги бу алоқаларни изчил давом эттириш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу билан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига хорижий мамлакатлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, раҳнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу ишлар билдирилган.

Жумладан:

Икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони Подшоҳи — **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ички ишлар вазири — **Муҳаммад бин Нойиф бин Абдулазиз Ол Сауд**

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди ўринбосари, Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари, муҳофаа вазири — **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**

Ўмон Султони — **Қобус бин Саид**

Кувайт Давлати Амири — **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти — **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими — **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди — **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири — **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён**

Миср Араб Республикаси Президенти — **Абдулфаттоҳ Саид Хусайн ас-Сиси**

Тунис Республикаси Президенти — **Муҳаммад ал-Божий Қоид ас-Сибсий**

Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдоғон**

Қозоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбоев**

Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти — **Алматбек Атамбоев**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти — **Абдул Ҳамид**

Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири — **Шайх Ҳасина Вазед**

Афғонистон Ислон Республикаси ҳукумати Ижроия кенгаши раиси — **Абдулла Абдулла**

Афғонистон Ислон Республикаси Президентининг биринчи ўринбосари, армия генерали — **Абдул Рашид Дўстум**

Ўз табриқларини йўлаганлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

Қадрият



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Вилоятимиз аҳолиси Қурбон ҳайитини қалби тўла шукроналик ва эртанги кунга умид, ишонч ҳисси билан, кўтаринки руҳда кутиб олди. Минглаб, юз минглаб юртдошларимиз дуога қўл очиб, фаровон, тинч-осуда кунларга етказган азизларимизни ёдга олдилар. Нуруний момолар, чехрасига нуринган боболар жонажон Ватанимиз тараққиёти учун жонини бахшида қилган фидойи зотларнинг жасорати ҳақида гурур ва ифтихор ҳисси билан сўз очдилар. Улугъ инсонга замондошлик нашидаси балқиб турган кўларда, ўша кунларнинг асрларга тенг онлари қайта жонланади, сезасизки, Ислон

Каримов раҳбарлиги ва раҳнамолигида ўтган у кунлар халқимиз тилида, дилида гўзал бир хотиротга, ўлмас дostonга айланди. Юқорида сиз кўриб турган суратда ҳам вилоятимизнинг Янгийўл туманидаги Шўралисой қишлоқ фуқаролар йиғини нурунийлари гурунглашиб турибди. Сўхбат йўсинини англаган чиқасиз — зотан, бир буюк зот қалбида туғилган эзгу ғоя, ўлмас фалсафа бугун соз сўхбатларда, нафис мажлисларда миллионларнинг қалбида тақрор-тақрор, баралла акс-садо бераётир: "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"

ПОК НИЯТЛАР, ЭЗГУ АМАЛЛАР АЙЁМИ

Мамлакатимизда кенг нишонланган Қурбон ҳайити тадбирларида халқимизнинг меҳр-муруват, оқибат, ўзаро ёрдам, саховат каби эзгу фазилятлари яна бир бор намойён бўлди.

Жоме масжидларида ўқилган ҳайит намозларида мўмин-мусулмонлар Яратгандан юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўқин-соқинлик ва фаровонлик бар-

давом бўлишини тилади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотираси ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислон Каримов раҳнамолигида халқимизнинг миллий-диний қадриятлари қайта тикланди. Рамазон, Қурбон ҳайитлари эмин-эркин кенг нишонладиган бўлди.

Ўзбекистон Республи-

каси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. Мирзиёевнинг 2016 йил 9 сентябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ушбу муборак айёмни кўтаринки руҳда нишонлаш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Давоми 2-бетда. ➡



Янгиликлар, хабарлар,
таҳлилий-танқидий
мақолалар билан
интернетдаги манзилимиз

www.th.uz

сайтида ҳам
танишишингиз мумкин.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

"Олтин мерос" халқаро хайрия фондининг вилоят бошқармаси ташкил этган "Шош-Илоқ" илмий-этнографик экспедицияси ўтган йили Окқўрғон ва Оҳангарон туманларида биринчи марта ўз ишини бошлади.

ҚАДИМИЙ ТАМАДДУН ИЗИДАН

Таъкидлаш жоизки, вилоятимизда илмий-археологик экспедициялар ўтган асрнинг 20-йиллари охирида ўтказила бошланди.

Вилоятимиз ҳудудида олиб борилган қарийб ярим асрлик тадқиқотлар ўтмишининг янги саҳифаларини очди. Ушбу кенг кўламли фидокорона меҳнатлар натижалари ўнлаб илмий ишлар, юзлаб китоб, альбом ва хариталарда акс эттирилмоқда. Музейларимиз Қанқа ва Шоҳруҳия, Қўлбулоқ ва Тўқет, Обираҳмат ва Дукентдан топишган ашёлар билан янада бойитилди.

Чотқол-Курама ва Шош-Илоқ археология бўлимининг таркибида фидокорона меҳнат қилган академик Юрий Буряков ўз

фаолиятини Тошкент воҳасини ўрганишга йўналтирди.

Шош-Илоқ илмий-экспедициясини қайта тиклашдан мақсад археолог ва этнографлар томонидан бошланган ишларни давом эттириб, вилоятдаги маданий ёдгорликлар тарихини ўрганишга ҳисса қўшишдир.

Қадимда Чирчиқ дарёси ҳавзасида афсонавий Шош давлати гуллаб-яшнаган. Оҳангарон дарёси ҳавзасидаги Илоқ давлати эса ўша пайтдаги қудрати билан ҳаммани ҳайратга солган. Ҳозирги экспедиция Пском дарёсининг юқори қисмидан то Кўксув ва Чотқол дарёларига қўйилган жой, яъни Чорвоқ сув омборига бўлган ҳудудни босиб ўтди.

Давоми 3-бетда. ➡

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан Паркент тумани тиббиёт бирлашмаси қошидаги кўп тармоқли поликлиникада "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида тиббий қўрик ташкил этилди.

Унда Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази, вилоят ўсма касалликлар шифохонаси ҳамда Тошкент тиббиёт академияси шифокорлари томонидан 878 нафар аҳоли тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди.

Аҳоли орасида тиббий ёрдамга муҳтож бўлган 25 нафар бемор республика ва вилоят шифохоналарига йўланма олди, — дейди Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази директори Ф. Назиров. — Инсон ўз саломатлиги учун доимо эътиборли бўлмоғи лозим. Шундагина соғлигимизга ҳаф туғдираётган касалликларнинг олдини олган бўламиз.

Наргис ҲАСАНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудиди бўлгани сингари пойтахтимизнинг Яшнобод туманида ҳам Қурбон ҳайитига тайёргарлик ишлари уюшқоқлик билан ташкил этилди. Кўчалар, маҳалла гузарлари, зиёратгоҳлар, қабристон ва масжидлар, тарихий обидаларда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

"Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими хамкорлигида уюштирилган ҳайрия тадбирлари халқимизга хос инсонийлик, саховатпешалик, шукроналик фазилатларини намойиш этди. Жамоатчилик гуруҳлари томонидан кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, эҳтиёжманд инсонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди. Ёшлар ўзгалар кўмағига эҳтиёжманд кексаларга уй ишларида кўмаклашди.

Байрам муносабати билан нуронийлар ва ёшлар иштирокида тарихий обидалар ва муқаддас қадимжоларга саёҳатлар уюштирилди. Бундай тадбирлардан қўзланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшларни мамлакатимизда бой маънавий меросимизни асл ҳолида асраш ва келажак авлодларга етказиш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар билан яқин-

дан таништириш, навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

Маҳаллаларда ташкил этилган авлодлар учрашувлари, турли маънавий-маърифий тадбирлар ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш,

риш ишлари амалга оширилди.

Пайариқ туманидаги Имом Бухорий мажмуасида юртимизнинг турли ҳудудларидан келган мўмин-мусулмонлар ибодат амалларини адо этди.

Минглаб юртдошларимиз Биринчи Президен-

раҳнамолигида миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси би-

йўқотган оилалар, ногиронлар, ёлғиз кексаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатмоқда. Маҳаллаларда "Ўтганлар руҳини шод этайлик", "Уч авлод учрашуви", "Меҳр-мурувват – инсонга зийнат" каби мавзуларда тадбирлар ташкил этилмоқда. Бунда Ўзбекистон

ободонлаштирилди. Кўча ва йўллар, маҳалла гузарлари, бозор ҳамда бошқа аҳоли гавжум ҳудудларда йўл-транспорт, ёнғин ва бошқа хавфсизлик чоралари кўрилди. Эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олишга, халқимизга хос миллий қадриятларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

– Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида Рамазон ва Қурбон ҳайитларини байрам сифатида кенг нишонлаш ажойиб аъёнага айланганини ҳеч қачон унутмаймиз, – дейди "Маҳалла" ҳайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси ўринбосари Орзиқул Соатов. – Қатор жамоат ташкилотлари, саховатпеша тадбиркор ва фермерлар халқимизга хос эзгу ишларни амалга ошириб, Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийлари, нуронийлар ҳолидан хабар олинди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудиди Қурбон ҳайити муносабати билан ўтказилаётган ҳайрий тадбирлар кўпмиллатли халқимиз ўртасида меҳр-мурувват, оқибат, бирдамлик, аҳиллик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Ў.А.



Вилоят бўйлаб Андижонга борсангиз агар...

"Аср қурилиши" дея эътироф этилаётган "Ангрен – Поп" электрлаштирилган темир йўли орқали 27 август кунини йўловчи поездиди Тошкентдан Андижонга йўл олган эди.

5 сентябрдан бошлаб эса "Тошкент – Андижон – Тошкент" йўналиши бўйлаб "Ўзбекистон" йўловчи поездининг мунтазам қатнови йўлга қўйилди. Поезд Поп, Қўқон, Марғилон шаҳарларидаги вокзалларда тўхтади. Айни кунларда Ангрен аҳолиси ва шаҳримиз меҳмонларининг ҳам ушбу поезд хизмати билан фойдаланиши учун темир йўл бекати қурилмоқда.

Ҳозирда шаҳарнинг Истиклол шохқўчасида қурилиш ишлари давом этмоқда. Ушбу янги иншоот "Ўзбекистон темир йўллари" АК капитал қурилиш бошқармаси бюротмаси бўйича "Guber global coonstructions" масъулияти чекланган жамияти томонидан

бунёд этилаётир. Май ойида қурилиши бошланган мазкур бекат жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Замонавий тарҳ асосида бунёд этилаётган Ангрен темирйўл бекати вокзал ички ва ташқи қўрилиши, йўловчиларга яратилаётган қулайликлар билан ажралиб туради. Бу ерда 75 йўловчига мўлжалланган кутиш зали, навбатчи маълумотхона, вип-зал, тиббий пункт, она ва бола хонаси, юк сақлаш хонаси, тамадди-хона фаолият юритади. Бекатнинг атрофи ҳам обод масканга айлантирилиб, қиш мавсумида иситиш учун қозонхона, шунингдек, автомайдонча ҳам бўлиши кўзда тутилган.

Янги автобус – жоннинг роҳати

Қуйи Чирчиқ туманида фаолият кўрсатётган "Zulayho imron trans" МЧЖ аҳолига сифатли хизмат қилиш мақсадида янги йўналишда автобуслар қатновини йўлга қўйди.

Айни мақсадда Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган ISUZU русумли автобус сотиб олинди. Энди туман марказидан шаҳарга қатнов янада енгиллашади. Айни пайтга қадар корхона ихтиё-

рида 5 та шундай турдаги автобуслар мавжуд эди. "Тошовул ҚФЙ" Қўйлик АШБ" йўналиши бўйича қатнов салоҳиятининг ортиши натижасида яна бешта янги иш ўрни яратилди.

Ғалабалар сари йўл

Чирчиқ шаҳрида Республика Белбоғли кураш федерацияси ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг самалари ўлароқ, юртимиз йигит-қизлари эришаётган улкан ютуқ ва марралар ҳақида фикр юритилди.

Шаҳар ўлкашунослик музейида ўтказилган тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Белбоғли кураш федерацияси раиси Р. Дастиров, Чирчиқ шаҳар халқ таълими фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудири Й. Шорустамов, шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори А. Ўрмонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий А. Ёкубов ва бошқалар мамлакатимиз

ёшларига ўз иқтидорларини намойиш этишлари учун кенг имкониятлар яратилганини алоҳида қайд этишди. Спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги ғалабалари ана шу имконият самарасидир. Таъкидланганидек, эришилган ютуқларимизда болалар спортини ривожлантириш мақсадида қад роллаган кўпқалли спорт иншоотлари, уч босқичли – "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт мусобақаларининг аҳамияти катта. Давра суҳбатида Чирчиқ шаҳрида ёшларга яратилган имконият ва ш а р т - ш а р о и т л а р ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Соғлом фикрлилар давраси

"Камолот" ЁИХ Қибрай тумани ҳудудий кенгаши умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта-махсус касб-хунар коллежларидаги бошланғич ташкилот етакчилари учун ўқув семинар ўтказди.

Туман ички ишлар бўлими, таълим соҳаси мутахассислари иштирокида ўтган ўқув семинарида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу борада профилактик тадбирларни кенг йўлга қўйиш масаласи муҳокама этилди. Хусусан,

бу борада "Камолот" ЁИХ бошланғич ташкилоти томонидан амалга оширилаётган ишлар алоҳида таъкидланди. Ўзаро фикр алмашиш, қизгин муҳокама асосида ўтган семинарда жами 50 нафар бошланғич ташкилот етакчилари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 14 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юртиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйдаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2262,19
1 Англия фунт стерлинги	3999,93
1 Дания кронаси	452,72
1 БАА дирхами	816,84
1 АҚШ доллари	3000,25
1 Миср фунти	337,87
1 Исландия кронаси	26,19
1 Канада доллари	2299,39
1 Хитой юани	449,19
1 Россия рубли	46,12
1 Украина гривнаси	112,66
1 Малайзия ринггити	731,41
1 Польша злотийси	773,96
1 Норвегия кронаси	364,67
1 СДР	4201,79
1 Швейцария франки	3087,31
1 Сингапур доллари	2209,96
1 ЕВРО	3367,29
1 Швеция кронаси	353,42
1 Кувейт динори	9956,03
10 Жанубий Корея вон	26,97
10 Япония иенаси	294,81

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

❑ Қишга тайёргарлик – долзарб вазифа

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

"Тошкент электр тармоқлари ҳудудий корхонаси" акциядорлик жамияти мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2016 йил 10 июндаги республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2016-2017 йиллар куз-қиш дав-


рада барқарор ишлашга комплекс тайёргарлик таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори ижроси доирасида 1 минг 517 километрдан ортиқ ҳаво тармоғи, 527 трансформатор пунктини мукамал таъмирдан чиқарди.

Айни пайтда корхона томонидан электр энергиясини тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш, энергия тежайдиган мосламалардан самарали фойдаланиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Республика иқтисодиёти тармоқлари ва аҳолининг электр энергиясига бўлган талаби йилдан-йилга ортиб бориши соҳа ходимлари масъулиятини янада оширади, – дейди "Тошкент электр тармоқлари ҳудудий корхонаси" акциядорлик жамияти директори И. Суворов. – Вилоятда энергия таъминоти узлуксизлигини таъминлаш, электр узатиш линияларининг узатувчанлик қобилиятини кучайтириш

ҳамда истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўта юкланиш билан ишлаётган 18 трансформатор юқори қувватлиси алмаштирилди. Мукамал таъмирлаш ишлари бажарилиши натижасида 214 маҳаллада электр энергия таъминоти яхшиланди.

Замонавий ахборот технологиялари энергия таъминоти соҳасига ҳам жадал кириб келаятгани аҳолига қатор қулайликлар яратмоқда. Масалан, бугунги кунда электр энергияси учун тўловларни онлайн тартибда амалга ошириш, фойдаланилган электр энергиясини ҳисобга олиш ускуналаридаги кўрсаткични "SMS-хабар" орқали компьютер базасига киритиш имко-



нияни яратилди. Бунинг самарасида ҳисоблаш ускуналари кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш ва рўйхатга олиш яхшиланди. Тўловни амалга оширганлик ҳақидаги маълумот тўғридан-тўғри фойдаланувчининг шахсий ҳисоб-рақамига тушмоқда. Бугун деярли барча тўловлар айнан шу усулда амалга оширилмоқда.

"Тошкент электр тармоқлари ҳудудий корхонаси" акциядорлик жамияти вакиллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 2 июндаги "Энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва улардан фойдаланишга босқичма-босқич ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бормоқда.

И. АВВАЛБОВ,
Ў.А. мухбири.

Тошкент вилояти сайлов комиссияси ҚАРОРИ

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашида бўшаб қолган ўринга сайланган депутатни рўйхатга олиш тўғрисида

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашида сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 44, 45, 46-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Депутатнинг фамилияси, исми ва шарифи	Туғилган йили	Партиявийлиги	Иш жойи ва лавозими	Яшаш манзили	Қайси сайлов округидан сайланган
Эргашходжаев Исламджан Джасурович	1970 йил	ЎзХДП аъзоси	Тошкент вилояти ҳокими в.б.	Тошкент шаҳри	44-қўриқ" сайлов округи

Вилоят сайлов комиссияси раиси

Тошкент шаҳри, 2016 йил 11 сентябрь.

У. АБДУШОХИДОВ.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Ушбу экспедиция Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи билан ҳамкорликда ўтказилди. "Олтин мерос" халқаро хайрия фонди вилоят бошқармаси ва Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғининг вилоятдаги биохимик маданиятни асраш ва ривожлантиришга қаратилган қўшма лойиҳаси 2015 йилдан буён амалга оширилмоқда. Экспедиция Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тарих, археология ва санъатшунослик институтлари олимлари, шунингдек, расом ва этнографлардан таркиб топган.

Қадимий Ўнғур мазори Бўстонлик туманидаги энг юқори нукта ҳисобланади. У 1964 йилда Чорвоқ археология бўлини маси томонидан аниқланган бўлиб, Пском дарёсининг ўнг қирғидаги қадимий ғорлар гуруҳини ўз ичига олади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида унинг палеолит даврига мансуб бўлиб, стационар таъмирга муҳтож экани аниқланди.

Пском дарёсининг чап


Бошлониши 1-бетда.

ҚАДИМИЙ ТАМАДДУН ИЗИДАН



қирғоғи бўйлаб кўҳна Шохжувор шаҳри харобалари ястанган. У – Ўзбекистон ҳудудидаги энг ноёб археологик ёдгорликлардан бири. Шохжувор юқори томон, яъни Таласга, у ердан эса, Хитойга олиб борувчи қадимий карвон йўлида қад ростлаган.

Пском дарёси бўйлаб Така-ёғоқ, Эспай, Тепар қишлоқларидаги бир неча археологик ёдгорликларни синчиклаб тадқиқ этиш, ўлчаш, тавсиф бериш, санасини аниқлаш лозим. Урунғоч кўли атрофида дам олувчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Бунинг нати-



жасида кўл атрофида ахлатлар уюми ҳам кўпайди. Афсуски, кўлга улоқтирилмаётган озиқ-овқат қолдиқлари ва бир марталик идишлар сувни ифлослантирмоқда.

Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғи ходимлари ва назоратчи халқаро хайрия фонди вилоят бошқармаси бошлиғи.

тўлиқ ўрганиш учун экспедиция аъзоларига барча шароитларни яратиб берилди. Бу ўзлари яшаётган масканга чексиз меҳр, қадимий ёдгорликларга нисбатан эса эҳтиромнинг нақадар юксаклигини англатади.

Олдинда Шош-Илоқ экспедицияси аъзоларини Чирчиқ ва Охангарон дарёлари бўйларида ўрта асрларда мавжуд бўлган 50 дан зиёд шаҳарлар қолдиқларини ўрганиш вазифаси кутиб турибди. Экспедиция таркибида академик Юрий Буряковнинг шогирди Дилмурод Шомуродов, Уғом-Чотқол давлат миллий табиат боғининг ёш мутахассислари Шохидда Мирзаахмедова ва Лилия Кузьминалар ҳам бор. Шохидда табиат ёдгорликлари ва табаррук қадимларга қизиқади. Лилия эса микробиолог, флора ва фауна олами бўйича мутахассис. Экспедиция давомида устоз олимлар ёш ўлкашуносларга яқиндан кўмак ва йўл-йўриқ кўрсатаяптилар.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос"
хайрия фонди вилоят
бошқармаси бошлиғи.

РАҚС ТУШАЁТГАН БАРМОҚЛАР

Комила ва Мадина нозик бармоқлари билан фортепьяно клавишларини бирма-бир босиб, мусиқа оҳангининг жозибасини дилдан ҳис этишарди. Мурғак қалб амри билан яралаётган бу сирли садолар келажакда оламга таралиб, дунёни лол қолдирса ажаб эмас, дейишарди айрим санъатшунослар.

Эътибор

Вақти келиб шундай ҳам бўлди. Тинимсиз машғулотлар муваффақият келтирди. Улар ўтган йили Санкт-Петербургда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган VIII халқаро танловда яқка ижрода иккинчи, ансамбль ижросида биринчи ўринни қўлга киритишди.

Бу қизлар Янгийўл туманидаги 74-Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиларидир. Мазкур таълим даргоҳида бугун қую қўшиқ сеҳрини юракдан ҳис этаётган ва уни бошқаларга ҳам улашаётган 290 ўқувчининг истеъдоди юзага чиқмоқда. Мактабнинг 34 нафар малякали педагоглари санъат сирларини болалар қалбига жо этиш, уларнинг иқтидорини тарбия-

лаш йўлида бор куч ва ғайратини аямай меҳнат қилмоқда.

Санъат қононасига қиришнингиз билан ҳузурбахш садолар қўлғингизга қалинади. Қайсидир хонадан дуторнинг мунгли оҳанги таралса, яна бирдан хореографнинг рақс санъати ҳақидаги сабогини эшитасиз.

– Давлатимизнинг ёш авлодга, мусиқа ва санъат мактабларига катта эътибори туфайли таълим масканимиз шундай чиройли кўриниш олди, зарурий ўқув куроллари ҳамда мусиқа асбоблари билан таъминланди. – дейди директор Зухра Ҳасанбоева. – Бугунги кунда ўқувчилар фортепьяно, ўзбек халқ чолғулари, торли чолғулар, гитара, академик вокал, э-



страда хонандалиги, анъанавий хонандалик, дамли ва зарбли чолғулар, тасвирий санъат, хореография, эстрада-фортепьяно йўналишлари бўйича таълим олишмоқда. Дарҳақиқат, ўқувчилар эришаётган ютуқлар устозларнинг машаққатли меҳнатларига берилган муносиб баҳодир. Биз юқорида тилга олган танловда қатнашган ўқувчиларнинг кўлга киритган ютуқларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хореография йўналиши бўйича Шаҳина Мухамедова, фортепьяно йўналишида Ко-

мила Комилхўжаевалар биринчи ўринни қўлга киритишди. Қолган тўрт ўқувчи ҳам совринли ўринлар соҳиби бўлишди. Москва шаҳрида ўтган халқаро танловда иштирок этган ўқувчиларимиз ҳам муваффақият қозондилар.

Бу йил мактабда театр санъати йўналиши очилди. Демак, энди бу соҳада ҳам янги-янги иқтидорлар кашф этилади.

НОЗИМА РАСУЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.
Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган сурат.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг 2016 йил 9 сентябрдаги 34-сонли Баённомаси қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси
"Фаолиятнинг айрим турларини
лицензиялаш тўғрисида"ги

Қонунининг 22-моддасига асосан,
"GLOBAL DIAMOND INVEST" МЧЖга "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида автобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун берилган "АТ" серияли 000962 рақамли лицензиясининг амал қилиш муддати 2016 йил 10 сентябрдан тугатилди.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясининг ЭЪЛОНИ

2016 йил 10 сентябрь кунидан бошлаб "Пахта йигиттерим" мавсуми бошланганлиги муносабати билан Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичиди) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2016 йилнинг 14 сентябрда ўтказилиши белгиланган йўловчи ташиш йўналишларини жойлаштириш юзасидан очик тендер савдоларининг ўтказилиш санаси 2016 йилнинг 14 сентябрдан 2016 йилнинг 22 сентябрга қўйрилди.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти.

Реклама ва эълонлар

"АУТО GARANT BUSINESS" МЧЖ
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориши тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади! 2016 йил 29 сентябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтказилган аукцион савдосига қўйидаги автотранспорт воситалари тақдоран қўйилмоқда:
1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зафаробод (Май) ҚФЙ ҳудудида жойлашган, 18.07.2016 йил 11176-сонли ижро иши бўйича хатланган, "Yutm Parranda" МЧЖга тегишли умумий ҳолати қониқарли, ишчи ҳолатда бўлган 53 донга ўсқуналар жамланмаси, бошланғич баҳоси – 7 520 021 282 сўм. 2. Пискент тумани СИБ томонидан хатланган, Пискент тумани ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланган, 23.01.2013 йилдаги 702-сонли ижро варақасига асосан, давлат рақами 10 R 830 BA бўлган, носоз, "BA3-2108" русумли автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси – 1 926 018 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодор бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион қўлиб сотиб олган автотранспорт воситаси қўймати 5 банк кўни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўй. Телефон: (371) 233-61-44. Гувоҳнома № 004593.

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг
АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТИ
2016 йил 4 октябрь кунини соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибда ўтказилаётган "Очик аукцион" савдосига ЖИБ Юнусовда тумани судининг 10.12.2012 йилдаги 1-438/12-сонли ижро варақасига асосан, Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси – 544 519 887 сўм 6 тийин бўлган, Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани, Суранкен ҚФЙ, "Қизилтўт" МФЙ, Норматов (ҳозирги Дилнаво) кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 3219,61 кв. метрдан иборат "дала ҳовли" тақдоран чиқарилмоқда.
2016 йил 19 октябрь кунини соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибда ўтказилаётган "Очик аукцион" савдосига ФИБ Охангарон туманлараро судининг 17.11.2011 йилдаги 7776-2012-сонли ижро варақасига асосан, Бўха тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси – 26 118 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Олмалик шаҳри, А. Темур кўчаси, 6-ўйда жойлашган, қўрилиш майдони 59,40 кв. метр, умумий фойдаланиш майдони 46,44 кв. метр, 2 қаватли, 48-қаватдан чиқарилмоқда. Савдога чиқарилган мулк билан тегишли СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси қўлиб савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк кўни ичидида мулк учун тўловларни амалга ошириш лозим. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар иш қўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тўлашлари закалат қилиш ҳисобига асосан мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда савдо ташкилотчиси "АТ" "INFINbank" даги МФО 01041, ИНН 302681189, 2020800000205095001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қўйида қўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар вазокатли шахс қатнашса, ўринбасар тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлаётган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қўничилигини тасдиқлаётган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 8-ўй. Телефон: (0595) 143-0-143, e-mail: info@realtors.uz. Лицензия RR 0173.

ДУК "Сувсой" қошидаги
"MUSAFFO OBI HAYOT" МЧЖ
Тошкент вилоятининг Қибрай ва Зангиота туманларида шаҳар ичимлик сувида истеъмол қилаётган абонентларга 2016 йил 1 октябрдан бошлаб ичимлик суви ва оқава сувларининг ягона нархлари қўйидагича белгиланади:

АҲОЛИ УЧУН:
Ичимлик суви 1 м. куб – 242,00 сўм
Оқава хизмати 1 м. куб – 137,00 сўм

ЮРИДИК КОРХОНАЛАР УЧУН:
Ичимлик суви 1 м.куб – 737,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати 1 м.куб – 276,00 сўм (+20% ҚҚС)

БОШҚА УЛГҲҲҲ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР:
Ичимлик суви 1 м.куб – 242,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати 1 м.куб – 137,00 сўм (+20% ҚҚС)

БЮДЖЕТ КОРХОНАЛАР УЧУН:
Ичимлик суви 1 м.куб – 242,00 сўм (+20% ҚҚС)
Оқава хизмати 1 м.куб – 137,00 сўм (+20% ҚҚС)

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориши тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади! 2016 йил 29 октябрь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтказилган аукцион савдосига тақдоран қўйидаги қўшма мулк қўйилмоқда: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, СИБ томонидан 15117-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Зафаробод (Май) ҚФЙ ҳудудида атрофи девор билан ўралган ерда жойлашган "YUTM PARRANDA" МЧЖнинг 159 донга бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси – 85 550 261 227 сўм.
Юқоридаги қўшма мулк билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион қўлиб сотиб олган мулк қўймати 5 банк кўни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-ўй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258. Лицензия RR-0052.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март кунини 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунаар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисида"ги Низом асосида қўйидаги таълим муассасаларининг вақант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига **ТАНЛОВ** эълон қилади:
Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:
1. Ангрен кимё саноати касб-ҳунаар коллежи;
2. Ангрен транспорт хизмат касб-ҳунаар коллежи;
3. Бекобод хизмат кўрсатиш ва ахборот технологиялари касб-ҳунаар коллежи;
4. Оққўрғон транспорт ва сервис касб-ҳунаар коллежи;
5. Нуробод энергетика ва иқтисодиёт касб-ҳунаар коллежи;
6. Охангарон педагогика ва ижтимоий иқтисодиёт касб-ҳунаар коллежи;
7. Паркент транспорт ва сервис касб-ҳунаар коллежи;
8. Қуйи Чирчиқ ижтимоий ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунаар коллежи;
9. Чирчиқ Олимпия захиралари

колежи;
10. Бекобод тиббиёт коллежи.
Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари:
1. Чирчиқ техника касб-ҳунаар коллежи;
2. Зангиота ижтимоий-иқтисодиёт коллежи;
3. Оққўрғон агробизнес ва сервис касб-ҳунаар коллежи;
4. Нуробод энергетика ва иқтисодиёт касб-ҳунаар коллежи;
5. Ўрта Чирчиқ миллий хунаар-мандчилиқ, дизайн ва сервис касб-ҳунаар коллежи;
6. Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи;
7. Янгийўл қишлоқ хўжалиқ касб-ҳунаар коллежи;
8. Янгийўл иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунаар коллежи.
Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:
1. Кенсой агросаноат ва бизнес касб-ҳунаар коллежи;
2. Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунаар коллежи;
3. Ўрта Чирчиқ саноат ва сервис касб-ҳунаар коллежи;
4. Қуйи Чирчиқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиқ касб-ҳунаар коллежи;
5. Янгийўл транспорт ва хизмат

кўрсатиш касб-ҳунаар коллежи;
6. Тошкент Давлат университети қошидаги Янгийўл шаҳар академик лицейи;
7. Янгийўл иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунаар коллежи;
8. Бекобод техника-иқтисодиёт касб-ҳунаар коллежи;
9. Оққўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунаар коллежи.
Директор ўринбосари лавозимига танловда иштирок этувчи номзодлар:
а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, ҚХКнинг таълими йўналишларидан камиди биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумотли (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно) ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажини 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас. Илмий даражаси ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажини талаб этилмайди;
б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш

стажи 5 йилдан кам эмас. Илмий даражаси ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажини талаб этилмайди;
в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига касб-ҳунаар коллежининг билим соҳаси ёки умумқасбий ва махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) ёки касб-ҳунаар коллежининг соҳа йўналишига мос ишлаб чиқаришдаги иш стажини 5 йилдан кам эмас. Илмий даражаси ёки илмий унвонга эга бўлган шахсларга иш стажини талаб этилмайди.
Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қўйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:
1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунаар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Сўровноманинг асли (барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартирилмасиз ўз қўли билан тўлдирилиши керак);
3. Таржимаи ҳол (қўлёзма);

4. Маълумотнома (справка-объективка);
5. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (кадрлар бўйича инспектор томонидан тасдиқланган ҳолда);
6. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таълим муассасаси томонидан дипломнинг ҳаққоний эканлиги ҳақида гербли муҳр билан тасдиқланган маълумотнома);
7. Тиббий қўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;
8. ИИБдан маълумотноманинг асли;
9. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси (уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжат);
10. Паспорт нусхаси;
11. Харбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);
12. 6 та фотосурат (3х4);
13. ИНН, пенсия жамағари бориладиган дафтарча нусхалари;
14. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-ўй. Маълумот учун телефон: 150-40-42.

Спорт хабарлари

Футзалчиларимиз ирода кўрсатадими?

Футзал бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Колумбияда старт олган Жаҳон чемпионати доирасида ўзининг илк учрашувини ўтказди.

"А" гуруҳидан ўрин олган вакилларимиз биринчи турда панамалик футболчиларга қарши майдонга чиқиб, 1:3 ҳисобида мағлуб бўлишди. Умуман олганда, мазкур баҳсда футболчиларимиз ўйинни ташкил этиш, хавфли вазиятлар яратиш борасида устунлик қилишди. Аммо, рақиб дарвозасини ишғол этишда омад етишмади.

Бугун тонгда Ўзбекистон терма жамоаси мусобақа мезбонлари – Колумбияга қарши майдонга тушди.




Нега шундай деймиз?

«Оғзи шалоқ»

Арава шалоқ бўлиши мумкин. Бироқ, айримларнинг оғизлари "аравадан ҳам шалоқроқ" бўлади. Бу ибора оғзидан боди кириб, шоди чиқадиган, тарбиясиз, ёшига ярашмайдиган қилиқ қилувчи кишиларга нисбатан танқид маъносини ишлатилади.

Оғзи шалоқлик сўкинши, беибо гап айтиш, андишасизлик демакдир.

Н. ТОҲИРОВ
тайёрлади.



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 14 сентябрь кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 28-30 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-18, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-11, кундузи 16-21 даража иссиқ бўлади.

Балли, азаматлар!

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қилаётган Паралимпия ўйинларининг бешинчи кунги баҳслари ўзбекистонлик спортчилар учун яна 2 та бронза медалини тақдим этди. Айни пайтда келиб, Ўзбекистон Паралимпия терма жамоаси 6 та олтин, 4 та кумуш, 13 та бронза, жами 23 та медал билан умумжамоа ҳисобида 9-ўринни эгаллаб турибди.

Мазкур баҳсларда вакилларимиз кўрсатаётган ирода ва матонат, иштиёқ дунё ахлини ҳайратга солмоқда. Ўзбекистон спортнинг барча жабҳаларида, чунончи, Паралимпия ҳаракати борасида ҳам аллақачон нафақат минтақанинг, балки дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олганини таъкидлашмоқда. Чунончи, сузиш бўйича мусобақаларда жамоага 3 та медал тақдим этган Фомин

Омилованинг иродаси дунё ахлини лол қолдирди. У дастлаб, 100 метрга баттерфляй усулида сузиб, бронза медалини қўлга киритган эди. Сўнг, 200 метрга комплекс усулида сузиш баҳсларида кумуш медал олдиди. Навбатдаги баҳсларда Ф. Омилова 100 метрга брасс усулида сузишда тенгсиз бўлиб, Паралимпия ўйинларининг олтин медалини қўлга киритди. Эришилган



ютуқлари билан қаноатланмаган спортчимиз яна бир қатор йўналишларда медаллар учун курашни давом эттирмоқда.

«Локомотив» ОЧЛ билан хайрлашди

Кеча Осиё Чемпионлар лигаси мусобақасининг чорак финал жавоб учрашувларига старт берилди. Жумладан, мамлакатимиз шаънини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси ўз майдонида БААнинг «Ал-Айн» клубини қабул қилди.

Эслатиб ўтамиз, бу жамоаларнинг дастлабки ўйинида 0:0 ҳисоби қайд этилганди. Жавоб учрашуви олтидан яхши имкониятга эга бўлган вакилларимиз, учрашув

га пухта тайёргарлик кўришди. Шиддатли курашларга бой бўлган ўйинда томонлар бор куч ва имкониятларини ишга солишди. Амирилик футболчиларининг тезкор

ҳужумлари вакилларимиз муносиб жавоб қайтаришди. Бироқ, тажрибали ўйинчиларимизнинг мажорати жамоага фойда келтирмади. Рақиб жамоа ўйинчи Кайо 39-дақиқада Нестеровни доғда қолдирди. Шундай қилиб ҳисоб: 0-1. «Локомотив» ярим финал оstonасида турнир билан хайрлашди.


С. Ўрмонжонов тайёрлади.

Чоршанба ҳикмати

«Ёзганларим маъқул бўлса...»

риб, ходимларини чарчатдим-у, ўзим чарчамадим. Лекин, энди билганларимни ўқувчиларга сўзлашга журъат қилол-мадим. Яхшиси ёзаман, ёзавераман, дедим. Қаерда, қандай мавзуда матбуот анжумани ўқштирилсан. Начора, 30 йиллик умрим беҳуда кетди. Ўқувчиларимга, талабаларга ёлғонларини сўзлаганим, «халқимиз илгари ёлғонсиз саводсиз бўлган», деган гапларни ўз оғзим билан айтганларим-чи?! Шунчалик ҳам ёлғон бўламанми, дейман ўзимга ўзим. Шунинг учун қолган умримни одамларга матбуот орқали ҳақиқатни айтишга, ўша хатоларим, йўқ, гуноҳларимни ювишга бағишлайман, деб ахд қилганман.

Ҳақиқат эгилари, аммо синмайдиган, деганлари шу бўлса керак. Айниқса, мустақиллик майдонидан, буюк Амир Темур ҳайкали ёнидан ўтсам, ўтмишим кўз олдимга келиб, юрак-бағрим эзилади.



хизмат қилай, деб илтижолар қиламан...

– Уэр, дардингизни янгилаб қўйди, – деймиз гуноҳдорона.

– Йўқ-йўқ, аксинча енгил тортиндим. Ахир, кимгадир орагимни ёришим керак эди... Сизга яна бир воқеани айтиб бергим келаяпти, уэр, гап-

ганда томошабин бўлиб турганман... Ҳар тонг ҳумрон мафзуран мадх этувчи қўшиқ билан дарс қаватли уйлар ёнида уяли телефонда гаплашиб келаётган, 1986 йилда туғилган В. Холоденко нишонга олишди. Унга пичоқ ва кастетлар билан ҳужум қилиб, уяли телефони, компьютер флешкаси ва дискети, бўйнидаги занжири, пули, калитлар

юлдузчасини тақмай келибди. "Звеновой"лар "класском"га, у эса тўғри бориб "вожатий"га хабар берибди. Маълум бўлишича, юлдузчанинг оқ жойларини укаси сиёҳда буюб қўйибди-ю, у тақшига уялибди. Уша куни бутун синф болалари олдида Рустамжонни қаттиқ қўйибди, устига устак қилган айби учун ўзининг юзига сиёҳ суртиб қўйибди. Энди тасаввур қилинг, у пайтдаги сиёҳни унча-мунча совун билан ҳам кетказиш қийин эди. Ана сизга жазо. Ҳалигача Рустамжонни сўроқлаб юр-ман. Агар кўрсам, астойдил уэр сўрайман, деб... У юрагидани тўкиб солгач, гўё ўзига ўзи сўзлаётгандек пичирлади: "70 йиллик дарду гама малаҳм бўлган чорак асприк Истиклолларга қолган умрим садақа".

Отаҳон биз билан хайрлашиб, банди узилай-узилай деб турган портфелини қўлига олди-ю, ашиққа йўналди. Ортига ўгирилиб, охишта деди: "Менга қалам ҳақи керак эмас, ёзганларим маъқул бўлса, яна келаман".

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Жиноятга жазо муқаррар

Йигирма бир ёш. Бу инсон умрининг энг гуллаган, эзгу ишларга қўл урадиган, келажакни йўлга қўйиб оладиган палласи. Лекин, чирчиқлик Шухрат Норматовга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бу тушунчалар мутлақо бегона экан.

У ёрқин ҳаётни эмас, зулматни танлади. Тирикчиликнинг луқмани ҳалоллик билан топадиган йўлларида эмас, бели оғримай нон ейдиган сўқмоқларидан боши берк кўчаси одимлади. Оқибатда, 2008 йилда 21 ёшни қаршилаган Ш. Норматовнинг пешонасига "қотил" деган тамга босилди.

Бекорчилик одамни не балоларга гирифтор қилмайди, дейсиз. Бирор ишнинг бошини маҳкам тутмаган Шухрат мўмай пул топишнинг осон йўллари излаб, танишлари

У. Ибодов ва У. Мамаиравларни ҳам қинғир йўлга тортиди. Улар 2008 йилнинг 27 март кунги спиртли ичимлик истеъмол қилиб, мисоли "шер"га айлангани, қўллари олдидан махсус тайёрланган қўлбола кастетлар ва рўзгор пичоқни олиб, "овга" чиқишди. Кўп ўтмай, Чирчиқ шаҳри, "Оқ қовоқ" кўрғонидан "Каскад-8" ГЭС кўпригининг пиёдалар йўлакчасида пайдо бўлишди. "Ўлжа" ҳам тезда пайдо бўлди. Нияти бузуқлар уяли телефонда гаплашиб келаётган М. Аширов-

БЕРК КЎЧАДАГИ БЕЗОРИЛАР

ни кастетлар билан уриб, телефонини тортиб олишди. Бу ҳам етмагандек, уни ўлдириш ҳаракатига тушишди. Лекин, ўзлари томон келаётган кишиларни кўриб, ниятлари амалга ошмай, ортага чекинишди.

Дастлабки "муваффақият" уларни руҳлантириб юборди. Энди улар Чирчиқ шаҳри, 8-кичик даҳадаги 11-, 13-кўп қаватли уйлар ёнида уяли телефонда гаплашиб келаётган, 1986 йилда туғилган В. Холоденко нишонга олишди. Унга пичоқ ва кастетлар билан ҳужум қилиб, уяли телефони, компьютер флешкаси ва дискети, бўйнидаги занжири, пули, калитлар

тўплами, ҳаттоки, устидаги кийимларига ечиб олишди ва кўксига бир неча марта ваҳшийларча пичоқ санчишди. Йигитнинг ҳали тирикчилиги билан туриб, уни уй ёнидан оқиб ўтувчи сувга ташлаб юбориб, воқеа жойидан яширинишди. Шундай қилиб, бир йигитнинг ёш умрига зомин бўлишди.

Қотиллар шу кун навбатдаги қурбонларини излаб, биринчи жиноятни содир этган жойларига келишганда, уларни ИИБ ходимлари қарши олишди. Лекин, улар ўз хизмат вазифасини бажараётган вакилларнинг қонуний талабларига бўйсунмай, фаол қаршилик кўрсатишди. Шунга

қарамай, ИИБ ходимлари уларни қўлга олиб, 1-шаҳар милиция бўлинимасига олиб кетаётганларида жиноятчилар яна қаршилик кўрсатишди ва Ш. Норматов У. Мамаирав билан автомашинадан тушиб, қоча бошлашди. Милиция ходими Э. Сайдалиев унинг ортидан югуриб бориб, қўлга олишга уринаётганида Ш. Норматов унга пичоқ санчиб, кўздан ғойиб бўлди.

Одил суд У. Ибодов ва У. Мамаиравларнинг ҳар бирига 23 йилдан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Сичқоннинг инини минг танга қилган Ш. Норматов шу қочганича Қозғистон Рес-

публикасига ўтиб, у ерда ҳам тинч юрмай, 2009 йилнинг 2 февраль кунини жанжал вақтида одам ўлдирди. Оқибатда, 10 йилга озодликдан маҳрум этилди. Жазо муддатининг 7 йилини ўтагач, шартли озод қилинди ва махсус соқчи билан Ўзбекистонга келтирилди.

2016 йилнинг 1 август кунини жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди Шухрат Норматовга нисбатан ўз ҳукмини ўқиди. Энди йигит умрининг энг гуллаган яна 23 йилини темир панжара ортида ўтказди.

А. ГУЛМУРАДОВ,
вилоят прокуратураси
бўлим прокурори.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Ғайрат
ШЕРАЛИЕВ

Маъзалик:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32.
Электрон почта:
thaqiqat@mail.ru

Қабулхона:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлари:
233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар:
233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими:
233-54-10.

Телефонлар:
233-64-95, 233-55-39,
233-58-85 (факс).
233-38-23, 233-48-08.
233-81-21, 233-65-59.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва
ахборот бошқармасида 2011 йил
12 январда 03-001 рақами билан
рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер марказида
терилди ва сақланган.

Навбатчи муҳаррир
Фарҳод ТОЛИПОВ
Назоратчи мусаввир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ